

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИГ БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ
ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ**

Қабулов Алиакбар Акмалжон ўғли

ИИБ Академияси курсанти

Босқинчиликнинг виктимологик профилактикасини ташкил этишда биз айрим хорижий давлатларнинг тажрибаларини ҳам ўрганиб чиқдик. Хусусан, Австрия қонунчилигига кўра жабрланувчининг маълум бир ҳаракатни амалга ошириши, бирон-бир ҳаракатга имкон бериши босқинчиликни келтириб чиқаётганини инобатга олиб ушбу давлатда айнан босқинчиликдан жабр кўрган фуқароларнинг ҳаётини видеофилм тарзида суратга олиб телевидиния орқали намойиш этиш йўлга қўйилган.¹³⁷

АҚШ жиноят қонунчилиги бўйича босқинчиликдан жабр кўрган фуқаролардан айнан тарғибот ташвиқот ишларида бевосита иштирок этишлари йўлга қўйилган ва бу жуда юқори даражада ўз самараисни берган.¹³⁸

Шунингдек, айрим давлатларнинг жиноят қонунчилигида босқинчилик учун жавобгарлик масалалари юзасидан танишилганда қуйидагилар намоён бўлди. Хусусан, Япония жиноят кодексига босқинчилик бошқа шахсдан мулкни зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш орқали эгаллашни англатади. Агар шахс шу йўл орқали ўзи ёки бошқа шахс учун ноқонуний мулкни фойда кўрса, бундай ҳаракатлар ҳам босқинчилик ҳисобланади.¹³⁹

Босқинчилик виктимологик профилактикасини такомиллаштиришда Россия Федерацияси тажрибасини тадқиқ этишга ҳаракат қиламиз. Россияда 2019 йилда босқинчилик жинояти энг кенг тарқалган турларидан бирига айланди, яъни мамлакатда ҳар уч дақиқада битта босқинчилик жинояти қайд этилди. Россия Бош Прокуратураси томонидан эълон қилинган ўтган йилнинг 11 ойи давомида содир этилган жиноятлар ҳақидаги маълумотлар шундан дарак бермоқда, дея хабар беради "ТАСС"¹⁴⁰

Мамлакатда жиноятчиликнинг очилиши 56 фоизни ташкил этса, босқинчилик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларда бу кўрсаткич атиги 25 фоизга тенг бўлганлиги қайд этилган.

¹³⁷ Серебренникова А.В. Уголовный кодекс Австрии. –М., Зерцало, 2001–С.144.

¹³⁸ Савченко А.В. Уголовное законодательство Украины и федеральное уголовное законодательство США. –Киев: КНТ, 2007–С.596.

¹³⁹ Коробоева А.И. Уголовный кодекс Японии. СПб. Юридический центр Пресс., 2002.– С.226.

¹⁴⁰ Благов Е.В. Квалификация преступлений (теория и практика). Ярославль: 2003. С. 18.

Бош Прокуратура маълумотида кўра охирги 5 йил мобайнида босқинчиликни умумий жиноятчиликдаги миқдори 8.5 фоиздан 11.7 фоизгача кўтарилганлиги ва наркотиклар айланмаси билан боғлиқ жиноятлар сони ҳам ошиб кетганлиги маълум қилинди.

Россияда энг кўп тарқалган жиноятлар сафида ўғрилик етакчи ўринни эгаллайди 2020-йилда 728 минг ёки жами жиноятларнинг 32.4 фоизини ташкил этди.

Босқинчилик оид ҳуқуқбузарликларининг олиндини олишда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарали бўлишини таъминлаш, олдини олиш чораларини такомиллаштиришда илғор хориж тажрибасини ўрганиш, жиноятчиликка қарши курашда самарали тизимни яратишда улардан унумли фойдаланиш ва бу изланишларнинг узлуксиз ва давомийлигини таъминлаш бугунги жиноят оламида содир этилаётган қонунга зид хатти-ҳаракатларнинг ўз вақтида олди олинишини, бартараф этилишини таъмиловчи асосий воситалардан бири ҳисобланади. Негаки жиноят олами ҳам замон билан ҳамнафас тарзда ривожланиб бормоқда ва босқинчилик оид ҳуқуқбузарликлар ҳам кун сайин ўз йўналишларини такомиллаштириб турли кўринишларда намаён бўлмоқда. Шу сабабли ҳам босқинчилик оид ҳуқуқбузарликларни самарали бартараф этишда илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарур ҳисобланади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳатлар натижаси ўлароқ, натижаси кенг кўламли ислоҳатлар, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида муайян ютуқларга эришилганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Бошқача айтганда, ислоҳатлар ўз самарасини бера бошлади. Бунини мамлакатда жиноятчилик кўрсаткичи камаяётганлигида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Эришилган натижалар халқаро миқёсда ҳақли эътирофга сазовор бўлмоқда. Жумладан, Ҳалқаро тадқиқот компанияси томонидан эълон қилинган дунёнинг энг хавфсиз мамлакатлари рўйхатида Ўзбекистон 90% балл билан иккинчи ўринда қайд этилди. Таҳлил давомида 135та мамлакат майдони, хавфсизлик ҳолати, қонун устуворлиги ва тартиб каби бир неча тоифалар бўйича 95 баллик тизимда баҳоланди.

Хорижий мамлакатларда содир этилаётган босқинчилик жиноятининг сабаблар ўрганилганда бир қатор ўхшаш ҳолатларни кузатиш мумкин. Масалан, АҚШда фаолият олиб бораётган ҳинд колл-марказлари иштирокида кенг қамровли босқинчилик жинояти содир этилган бўлиб, жиноятчилар ўз фаолиятини ниқоблар ва ўқ отар қуроллардан фойдаланган ҳолда амалга оширишган. Мазкур жиноятнинг қурбонлари асосан кекса ёшдагилар ва бой оилалар бўлишган. Мазкур жиноятдан жабрланганлар сони 15 мингдан ошган ва улар жабрланувчилардан 250 минг АҚШ доллоридан ортиқ миқдорда пул талон-торож қилишган. Деярли 3 йил давомида бу жиноий гуруҳ одамларга таҳдид қилиш учун турли усуллардан фойдаланган.

Юқоридаги мисолда қуйидаги сабаб ва шароитлар босқинчиликнинг содир этилишига олиб келган деб хулоса қилиш мумкин:

– АҚШ ҲМҚОлар фаолиятида ташкилий-бошқарув соҳасидаги йўл қўйилган хато ва камчиликлар;

– фуқароларда ҳуқуқий маданиятнинг етарли эмаслиги;

– АҚШ молия тизимида молиявий мониторингнинг бўшлиқнинг мавжудлиги;

– ҲМҚОлар томонидан амалга оширилаётган назоратнинг сустлиги туфайли босқинчилар эркин ҳаракат қилиш имкониятининг мавжудлиги.

Ҳаётда учраётган бир қатор омиллар борки уларнинг мавжудлиги босқинчилик каби жиноятларнинг содир этилишига шароит яратади. Уларни қуйидаги тоифаларга ажратган ҳолда ўрганиш мумкин:

– шахс яшаётган ва уни ўраб турган ижтимоий муҳит билан боғлиқ омиллар (*катта ёки кичкина муҳитдаги салбий ҳолатлар*);

– табиий омиллар (*табиий иқлим шароити, радиация, табиий ва техноген вазиятлар, сув тошқини, zilzilalar, кўчкилар, жамият ва давлат ривожланишидаги беқарорликлар*);

ижтимоий-демографик омиллар (*ишсизлик, турар жойга эга бўлмаслик, аҳоли сонини ўсиши, давлатнинг ижтимоий сиёсати (соғлиқни сақлаш, спорт, таълим, маданият, оилларни қўллаб қувватлаш ва б)нинг самарасизлиги*);

иқтисодий омиллар (*ишлаб чиқаришда рақобатбардошлик, ишлабчиқариш имкониётларининг эскириши ва маҳсулот тан нархининг ошиши, монополиянинг мавжудлиги, иш ҳақининг пастлиги, юқори даражадаги пулнинг қадрсизланиши, озиқ-овқат етишмаслиги ва бошқа иқтисодий муаммолар, аҳолининг қашшоқлик даражаси, уларни маҳсулот билан таъминлаш муаммолари, хуфийёна иқтисодиётнинг мавжудлиги*)

сиёсий омиллар (*коррупциянинг авж олиши, ижтимоий гуруҳларнинг кескинлашуви, ҳокимият томонидан фуқароларнинг хоҳишлари рад этилиши, ҳокимият учун кураш*)

ҳуқуқий омиллар: (*қонун нормаларидаги бўшлиқлар ёки ҳуқуқий зиддиятлар, қонун нормалари ҳамда қонуности ҳуқуқий ҳужжатларнинг талаблари ижросини таъминлашга қаратилган механизмнинг ишламаслиги, содир этилган ғайриҳуқуқий қилмишларга нисбатан жазо муқаррарлигининг тўлиқ таъминланмаслиги*);

ташкилий бошқарув: (*ижроия ҳокимият органлари фаолияти устидан назоратнинг йўқлиги, моддий оқимнинг мавжудлиги, ижроия ҳокимият органларининг ҲМҚОлар билан ҳамкорлигининг йўқлиги, давлатнинг кадрлар масаласидаги сиёсатининг самарасизлиги, давлат ва маҳаллий органлар фаолияти маъмурий буйруқбозликка асосланганлиги, ижро интизомининг пастлиги, жиноятларнинг фош этиш даражасининг пастлиги, жиноят содир этган шахсларда жазонинг муқаррарлигини таъминланмаганлиги*)

психологик ва маънавий-руҳий ҳарактердаги омиллар(жамият аъзолари ўртасида ваҳимага ва жазавага тушиш ҳолатининг кучайиши, одамлар орасида эртанги кунга ишончсизликнинг ривожланиши, келажакдан хавотирланиши ва қўрқиш ҳолатининг мавжудлиги, сиёсий, диний ва бошқа мотивлардан қўрқиши).

Лондон Иқтисодиёт ва тинчлик институтининг Глобал Терроризм Индекс 2020 рейтингига кўра Ўзбекистон 0.057 балл билан 163 мамлакат орасида 118 ўринга қайд этилиб террор хавфи энг паст мамлакат қаторидан ўрин олди. (балл қанча кам бўлса террор хавфи шунчалик паст деб баҳоланади).

Муҳтасар айтганда сўнги йилларда амалга оширилган ислоҳатлар натижасида Ўзбекистонда ҳуқуқбузарлик профилактикаси бўйича ўзига хос тизим яратилди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси нафақат жиноятчиликка қарши курашнинг бош йўналишига, балки мамлакатимиздаги барча давлат идоралирининг устувор вазифасига айланди. Бу келгусида ўзининг ижобий натижаларини бериши, шубҳасиздир".

Постда газетаси 2019 йил 15 апрел 17(5874)-сон 14 саҳифасида Бирлашган Араб Амирлигида янги технология полиция тизимида жорий этилгани хақида хабар берилди. Унга кўра жиноятчилик осойишталик посбонлари Россиялик муҳандислар томонидан ишлаб чиқилган улар мотоциклларга куникиш билдиришди. Учар мотоцикл-Хавербайк деб номланиб синовдан ўтказиш жараёни ноқулай об-хаво шароитига тўғри келди. Ҳарорат иссиқ, шамол эсадиган, қумни осмонга учирадиган вазиятга қарамай техника синовдан муваффақиятли ўтди. Нархи 70-90минг АҚШ доллари турадиган мотоцикл айна пайтда нафақат БАА, балки Осиёдаги кўплаб давлатлар ҳам қизиқиш билдирмокда. Дубай полицияси мазкур учар мотоцикллардан автомобиллар юриш кийин бўлган ҳудудларда жиноятчиларни қувишда, жабрланувчиларни эвакуация қилишда фойдаланишни режалаштиришмокда. Айна пайтда уни яна такомиллаштириш устида иш олиб борилаяпти. Унда полиция ходими учун керакли бўлган барча жихатлар эътиборга олиниши керак. Бу каби мотоциклларни камералар жойлаштирилган холда шахсни аниқлаштирувчи технологиялар орқали самарадорлик жихатлирини ошириш жихатлари устида бош қотирилмокда.

Хитой Халқ Республикаси полициячилари ҳам дубайлик ҳамкасбларидан қолиб кетишни истамаган холда, яқинда улар томонидан одамнинг юзига қараб туриб унинг шахсини аниқлаш имконини берувчи юкори технологияга асосланган кўзойнаклардаи фойдаланишни бошлашди. Айтиш лозимки, қиска вақт давомида гаджет ўзининг нимага қодирлигини амалда кўрсатди. Бу хақида хабар бермокдалиги кўрсатилди.

Одамлар кўп бўладиган жойда қўлланилган гаджет ёрдамида етти нафар қидирувдаги шахс аниқланди ва қўлга олинди. Шунингдек, **гаджет орқали 18 та** босқинчилик жинояти фoш этилган. Гаджет айнан полиция ходимлари учун ишлаб чиқарилган. Кўзойнак ёрдамида сканер килинган шахснинг сурати

маълумотлар базаси бўлган планшетга ўтказилади. У ерда маълумот кайта ишланиб, шахсни ким эканлигига ойдинлик киритишди.

Мазкур гаджетдан айни пайтда асосан темир йўл вакзалларида фойдаланилмоқда, энг муҳим янги технология ёрдамида Хитой полицияси кўп сонли оломон ичидан ҳам жиноятчини осонгина топиш имконига эга бўлишаётганлиги қайд этилган

Сўнгги йилларда, босқинчилик қарши курашда вазият Умуман кескин авж ва бутун мамлакатда бўлди. Умуман олганда, ёлланма жиноятчилик тузилмасида босқинчилик тажовузлари нисбатан паст ўзига хос тортишишларга ега. Ўртача, йиллик ҳисобланган жиноятларнинг умумий массасида, босқинчилик 9 фоиздан ошмади. Шу билан бирга босқинчиликнинг тахминан ярми иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятларга боғлиқ.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича Россия Федерацияси "жиноятларини олдини олиш асосида бугунги" Давлат Думаси томонидан 2018 йил 10 июн куни қабул қилинган 2019 йил 15 июн куни Федерация Кенгаши томонидан маъқулланган Конун 5 боб 34 моддадан иборат бўлиб Россия Федерациясиниш жиноятларнинг олдини олиш фаолиятининг тартиб қоидаларини белгилаб беради.¹⁴¹

Россия Федерацияси жиноятларни олдини олиш асосида қонунида асосий тушунчалар белгилаб берилган бўлиб унда;

❖ жиноят - ноқонуний иш (ҳаракат, ҳаракатсизлик), жиноий ёки маъмурий жавобгарликка сабаб булувчи жиноий ёки маъмурий жиноятлар;

❖ жиноят олдини олиш - ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, ахборот чора-тадбирлар мажмуи ва аниқлаш ва жиноятлар содир этилиши, шунингдек алданганликни олдини олиш учун одамлар таълим таъсирини таъминлаш учун қулай сабаблари ва шарт-шароитлар бартараф қилишга қаратилган бошқа чора-тадбирлар;

❖ жиноят олдини олиш тизими - жиноят олдини олиш субъектларининг мажмуи, жиноятларнинг олдини олишга жалб қилинган шахслар ва уларни мувофиқлаштириш, шунингдек жиноят олдини олиш чора-тадбирлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш соҳасида мониторинг килинади;

❖ жиноят олдини олиш билан шуғулланувчи шахслар, - фуқаролар, жамоат бирлашмалари ва бу Федерал қонун ва бошқа федерал қонунларга мувофиқ, жиноят олдини олиш соҳасидаги ўз ҳуқуқлари доирасида жиноят олдини олиш субъектларига ёрдам таъминлаш учун кўмаклашувчи бошқа ташкилотлар;

❖ жиноятни олдини олиш билан шуғулланувчи ижтимоий хизматлар - олдини олиш билан шуғулланувчи шахс сифатида хизмат, ижтимоий хизматлар (ижтимоий-тиббий, ижтимоий, психологик, ижтимоий ва маърифий, ижтимоий,

¹⁴¹ Бурчак Ф.Г. Квалификация преступлений. Украина., 1983. С.140.

ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа ижтимоий хизматлар кўрсатиш) амалга оширувчи ташкилот ;

❖ хатти-ижтимоий хулқ - индивидуал ҳаракатлар маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган емас, одатда хатти ва ахлоқи, ҳуқуқи ва бошқалар қонуний манфаатларини стандартларини қабул бузилишига;

❖ жиноят олдини олиш соҳасида мониторинг - жиноят олдини олиш, таҳлил қилиш ва жиноятлар содир етиш учун қулай сабаблари ва шароитларини прогнозлаштириш давлат кузатувлар тизими, шунингдек, жиноят олдини олиш актёрлар самарадорлигини баҳолаш, каби тушунчалар келтирилган.